



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 4 август, № 163 (7943)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

Жорий йилнинг биринчи ярмидаги иқтисодий натижалар таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 август куни жорий йилнинг биринчи ярмидаги иқтисодий натижалар таҳлили ҳамда йил якунига қадар ҳудудлар ва тармоқларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Биринчи ярим йилликда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 6,2 фоизга ўсгани қайд этилди. Бунга, асосан, sanoat 8,5 фоиз, инвестициялар 5,9 фоиз ва хизматлар ҳажми 8 фоизга ошгани ҳисобига эришилган. Инфляция даражаси 10,9 фоизни ташкил этган.

Шу даврда жами 200 триллион сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу соҳадаги юқори ўсиш суръатлари кон-металлургия, тўқимачилик ва электр энергияси тармоқларида, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кузатишга.

Бунга, аввало, иқтисодиётнинг бир маромда ишлаши ҳамда ташқи бозорларда конъюнктуранинг яхшиланиши эвазига эришилган. Иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашда давлат ресурслари ҳам ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш учун зарур молиявий ресурслар ажратилган бўлса-да, ҳали жойларда қутилган натижа бўлмаётганини таъкидлади.

Худудий sanoat ҳажми Сирдарё вилоятида 41 фоиз, Хоразмда 33 фоиз, Наманган ва Сурхондарёда 24 фоиз ўсган. Бироқ бу кўрсаткич катта имкониятларга эга Фарғона вилоятида атиги 1,2 фоиз ва Тошкент вилоятида 4,6 фоизни ташкил этган.

Умуман, биринчи ярим йил-

ликда 110 та худудий sanoat корхонасида ўтган йилдагига нисбатан 2,2 триллион сўмлик маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилган.

Инвестиция лойиҳаларининг самардорлиги ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, худудий инвестиция дастурлари доирасида биринчи ярим йилликда 5 минг 246 та лойиҳа амалга оширилган. Лекин уларнинг sanoat ўсишида ўрни сезилмаётгани, бунга масъул ҳоким ўринбосарлари корхоналар билан яқиндан иш олиб бормаётгани қайд этилди.

Ҳисобот даврида мамлакатда жами 53 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 14 фоиз ошган.

Йиғилишда 9 ой ва йил якуни бўйича иқтисодий ўсишни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Иккинчи ярим йилликда йирик тармоқ корхоналарида 86 триллион сўмлик, худудларда 142 триллион сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши бунда муҳим омил бўлади.

Масалан, шу даврда тўқимачиликда 15 триллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаш ва 1 миллиард 700 миллион долларлик экспорт қилиш имконияти бор. Ёки электр техникаси тармоғида экспортни 348 миллион доллар, чарм sanoatiда 251 мил-

лион долларга етказиш мумкин.

Шунингдек, худудларда “драйвер” бўлган соҳаларни ривожлантириш, кичик ва ўрта корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Бош вазир ўринбосарларига ишга туширилган лойиҳаларни жойига чиққан ҳолда батафсил ўрганиб, тўлиқ қувватда ишлашга қўмақлашиш бўйича топшириқ берилди.

Маълумки, охири беш йилда кишлоқ хўжалигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президентнинг 30 дан ортқ Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Қўшимча ер майдонлари фойдаланишга қиритилиб, имкониятлар кенгайтириш учун субсидиялар ажратилди. Кишлоқ хўжалигининг барча йўналишида кластер тизими жорий қилиниб, уларга шу йилнинг ўзида 6 триллион сўмдан зиёд кредитлар берилди.

Лекин бу соҳада натижадорлик қилинган эмаслиги, ишга солинмаган имкониятлар кўплиги кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, кишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ҳажми Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм ва Тошкент вилоятларида ўтган йилги даражада сақланиб қолган. Деҳқончилик йўналишида маҳсулот етиштириш камайган.

Чунки ҳосилдорлик ўзгар-

мапти, айрим маҳсулот турлари бўйича эса пасайиб кетмоқда. Чорвачилик ва паррандачилик йўналишидаги ишлар ҳам қониқарли эмаслиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига талаби ошиб бораётгани, ишлаб чиқариш ҳажми ўсаятган талабни қондириши зарурлигини таъкидлади.

Иккинчи ярим йилликда маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Йиғилишда хизматлар соҳаси таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, шу йил 11 май куни “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент қарори қабул қилинган эди. Худудларда хизматлар турини кенгайтириш ва сифатини оширишга қаратилган лойиҳаларга кенг йўл очилди.

— Давлат томонидан имконият яратиб берилди. Одамларимиз ҳам ҳаракатчан, меҳнатсевар. Энди хизматлар соҳасида кескин ўзгариш қилиш керак. Бу янги иш ўринлари ташкил этишининг энг арзон йўли. Кишлоқларда хизматлар қанча кўпайса, сифат ҳам ошади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш учун биринчи

босқичда 7 та тижорат банкига 1 триллион 575 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бунинг ҳисобидан худудларда 2 минг 400 та лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Натижада 2020 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан хизматлар кўрсатиш ҳажми 18 фоиздан кўпроқ ошди. Айниқса, Сирдарё, Андижон, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида бу борадаги кўрсаткич юқори бўлди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни давом эттириб, йил якунига қадар соҳада 415 мингта янги иш ўрни ташкил этиш мумкинлиги айтилди. Бўш турган бино ва ер майдонларини тадбиркорларга бериш, ўзини ўзи банд қилишни қўллаб-қувватлаш бу борада катта имконият экани қайд этилди.

Транспорт вазирлигига янги йўналишлар ташкил этиб, жамоат транспорти етиб бормаган 1 минг 113 та маҳаллани қамраб олиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ҳисобот берди.

Ҳар бир тармоқ ва худуд бўйича 9 ой ҳамда йил якунига мўлжалланган аниқ режалар ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

БИЗ ва ЖАҲОН

Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирларининг Тошкент конференцияси якунлари бўйича қўшма баёноти БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Жорий йил 15-16 июль кунлари бўлиб ўтган Тошкент халқаро конференцияси якунлари бўйича Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирларининг минтақавий ўзаро боғлиқлиқни ривожлантириш бўйича қўшма баёноти БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Ҳужжат БМТнинг олтинчи расмий тили — араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан тилларида чоп этилган бўлиб, барча аъзо давлатлар, БМТнинг иқтисод-лаштирилган агентликлари ўртасида тарқатилди, ташкилотнинг журнали ва расмий ҳужжатлаштириш тизимида эълон қилинди.

Эслатиб ўтамиз, халқаро форум якунлари бўйича қабул қилинган қўшма баёнотда Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари БМТ Бош Ассамблеясининг икки минтақа ўртасидаги ўзаро боғ-

лиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюцияси лойиҳасини биргаликда ишлаб чиқиш имкониятини кўриб чиқишга келишиб олган эди.

Шунингдек, улар иқтисодиёт, инвестициялар, энергетика ва технология инновация бўйича, биринчи навбатда, “яшил технологиялар” соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини тасдиқлади ҳамда бу йўналишларда лойиҳалар ва ташаббусларни амалга оширишда кузатилаётган муваффақиятларни эътироф этди.



ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНING ШАФФОФ ЎТИШИДА МУҲИМ МЕЗОН

Мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий жараёнларга дахлдорлиги ошиб бормоқда. Бу эса жамиятда жамоатчилик назоратининг ўрни ва роли юксалиб боришига замин вазифасини ўтайди. Бинобарин, сайловларда ҳам жамоатчилик назоратини таъминлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари яратилди.

Миллий қонун ҳужжатларида ва халқаро стандартларда сайловларга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишга доир тадбирларда, шу жумладан, сайлов кунини овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида сайлов қонунчилигида ривож этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат.



ВАКЦИНА ЁКИ ВИРУС СИЗ ҚАЙСИ БИРИНИ ТАНЛАЙСИЗ?

Сир эмас, кейинги пайтларда асосий суҳбат мавзуси — коронавирус касаллиги билан боғлиқ бўлиб қолди. Ижтимоий тармоқларда маълумотлар жуда кўп, лекин қайси бири илмий далилларга асослангани, афсуски, аниқ эмас. Шу боис инсонлар орасида касаллик ҳамда эмланиш ҳақида қарама-қарши фикрлар юзага келяпти. Дунё аҳолиси ҳозирда икки оқимга ажралиб қолгандек, гўё. Яъни вакцинация тарафдорлари ва вакцинацияга қаршилар. Ким аслида ҳақ? Келинг, ўтган вақтга назар соламиз.



Янги китоб

ХАЛҚ МАТОНАТИ УЛУҒЛАНГАН КИТОБ

Маълумки, 2020 йил бутун инсоният тарихида жиддий синов даври сифатида муҳрланди. 2019 йилда пайдо бўлган COVID-19 касаллиги тезлик билан кўрраи замин бўйлаб тарқалиб, дунё аҳолисини ташвиш ва саросимага солиб қўйди.



Ушбу юқумли хасталик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан берилган кўрсатмалар асосида мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, худудларда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш бўйича қисқа муддат ичида комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Минг афсуски, бутун дунё коронавирус пандемияси таҳлиқасида турган бир вазиятда, Бухоро вилоятида юз берган кучли шамол,

Сирдарё вилоятида сув тошқини келтириб чиқарган жиддий талафотлар эл-юртимизнинг матонатини яна бир бор синовдан ўтказди.

Кўпни кўрган, қийинчиликларда тобланган халқимиз бу офатларни ҳам матонат билан енгиб ўтди.

Яқинда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Офат ва матонат” номли янги китобда мураккаб пандемия шароитида мамлакатимизда кечган тарихий жараёнлар, хусусан, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан бу офатга қарши курашиш мақсадида ишлаб чиқилган тезкор ва долзарб чора-тадбирлар, амалга оширилган эзгу ва хайрли ташаббуслар, қутилмаган табиий ва технокен офатларни мардонаворлик, сабр ва матонат билан енгиб ўтган бағрикенг ва олижаноб халқимизнинг эзгу вазифалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Яна бир аҳамиятли томони, ушбу салмоқли нашр ҳали дунё миқёсида давом этаётган мураккаб пандемия шароитида барчамизни огоҳ бўлишга, синови кунлардан муносиб сабоқ чиқариб, орттирилган ҳаётий билим ва тажрибалардан самарали фойдаланишга даъват этади.

Ў.А.

АКБАР ЖЎРАЕВ — ОЛИМПИАДА РЕКОРДЧИСИ ВА ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ



Ифтхор

XXXII ёзги Олимпия ўйинларининг ўн биринчи кунги мусобақалари Ўзбекистонга навбатдаги олтин медални тақдим этди. Бу Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами учун ўзига хос совғага айланди.

Гап шундаки, оғир атлетика бўйича -109 кг. вазн тоифасидаги спортчилар баҳсида қатнашган ҳамюртимиз Акбар Жўраев ёрқин чиқишлари билан якунда Олимпия ўйинларида биринчи ўринни эгаллади. Ниҳоят, медалларсиз ўтган бир неча кунлик ноҳус “анъана”га барҳам берилди.

Даст кўтаришни 193 кг. билан якунлаган атлетимиз силбат кўтариш

машқини 227 кг. оғирликдан бошлади. Якунда бу кўрсаткични 237 килограммга оширди ва икки курашда 430 кг. натижа билан ракибарини орта қолдириб, Олимпиада рекордини ҳам янгилашга муваффақ бўлди.

Маъмур йўналишда арманистонлик ва латвиялик спортчилар мос равишда иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

Халқимизга Олимпия ўйинларининг навбатдаги олтин медални муборак бўлсин!

Энди навбат яна бир истеъдодли спортчимиз Баҳодир Жалоловга. Ҳамюртимиз бугун яримфиналда Буюк британиялик Фрейзер Кларкка қарши рингга кўтарилади.

Саиджон МАХСУМОВ («Халқ сўзи»).

Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирларининг Тошкент конференцияси якунлари бўйича қўшма баёноти БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Хужжатда, шунингдек, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш орқали Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларининг транзит ҳамда логистика салоҳиятини кучайтириш ва ундан фойдаланиш, ахборот технологиялари орқали истиқболли рақамли платформаларни жорий этиш, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари тарихий ҳамда маданий марказларини қамраб олган сайёҳлик йўналишларини шакллантириш ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш истаги таъкидланган.

Марказий ва Жанубий Осиёни боғлаш учун Афғонистоннинг "минтақавий кўприк" сифатида тутган ўрни ва жаҳон иқтисодий муносабатларида умумий минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш орқали ушбу мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Хужжатларни ишлаб чиқиш ва имзолашни олқишлагани маълум қилинган. Хужжатда Тошкентда ўтган юқори даражадаги халқаро конференция Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги минтақавий ўзаро боғлиқликни ривожлантириш ва мустақамлашнинг барча долзарб масалаларини очiq муҳокама қилиш учун ўзига хос имконият яратгани қайд этилган.

«Дунё» АА. Нью-Йорк

ТАДБИРКОРЛИК

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ АСОСИЙ КУЧ

Тадбиркорларни доимий қўллаб-қувватлаш, уларни қийнаётган масалаларни ҳал этиш мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Улар фаолиятни шахсан давлатимиз раҳбари эътиборида экани диққатга сазовор.

Яқин кунларда қўллаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан "Очiq мулоқоти" бунинг аққол тасдиғидир. Зеро, бундай тадбир илк мартагина ўтказилмоқда. Айни пайтда тегишли вазирлик ва идораларда ушбу тарихий тадбирга жиддий тайёргарлик кўриляпти.

Тадорик

Хусусан, тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиш мақсадига масъул вазирлик ва ташкилотлар томонидан "Call" марказлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар кечаю кундуз узлуксиз ишлаб турибди. Мазкур марказларда фуқаролардан тушаётган муаммо ва тақлифлар мурожаатларни қабул қилиш ҳамда таҳлил этиш штабига қўриб чиқилляпти. Мурожаатларнинг аниқ йўналишларга ажратилиб, ўрганилаётгани эса янада аҳамиятли. Чунки бу орқали нафақат мурожаатлар қабул қилиш ёки уларга ечим топиш, балки келгусида тадбиркорлик фаолияти учун асқатадиган тақлифлар ҳам ишлаб чиқилмоқда.

зид мурожаатлар келиб тушган бўлса, шунинг 38,6 фоизи ижобий ҳал этилган. Қўриб турганингиздек, мурожаатларнинг кўпчилиги банк соҳаси билан ҳам боғлиқ. Шу боис штабда Марказий банк ва ўн та тижорат банки вакиллари ишлаяпти. Тақлифларга қараганда, банкларга тааллуқли мурожаатларнинг аксарияти "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурига дахлдор бўлса, қолган қисми кредитлар муддатини узайтириш, кредит шартларини қўриб чиқиш, кредит олишдаги имтиёзлар ҳақида бўлмоқда.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан "Очiq мулоқоти"ни ўтказиш доирасида жойларда ҳам маҳаллий тадбиркорлар томонидан тақлифлар ва мурожаатлар қабул қилинмоқда. Хусусан, кучи кеча Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бошқармаси тасарруфидоги Пискент тумани Тадбиркорлик кўмаклашиш маркази томонидан тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида Пискент туманидан мурожаат қилган тадбиркорлар билан очiq мулоқот ўтказилди. Учрашувда 12 нафар маҳаллий тадбиркорлик субъектининг муаммо ва тақлифлари ўрганиб чиқилди ҳамда атрофчи муҳокама қилинди. Яъни 5 нафар тадбиркорнинг муаммолари жойида ҳал этилган бўлса, қолган мурожаатлар ўрганилиб, назоратга олинди ва ижобий ҳал қилиш юзасидан мутасадди ташкилотларга топширилди берилди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНING ШАФФОФ ЎТИШИДА МУҲИМ МЕЗОН

Биргина маҳаллий кузатувчилар хусусида сўз юритадиган бўлсак, улар тегишли тартибда бериладиган мандатга биноан сайлов участкаларида ҳозир бўладиган сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакилларидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари билан боғлиқ масала жуда муҳим ҳисобланади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов кунини овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эга. Сайлов комиссиялари кузатувчини мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатига асосан рўйхатга оlingандан кейин унга ўз ваколатларини тўлақонли ҳамда тўсқинликсиз амалга ошириши учун шароит ярати беради.

Сайлов жараёнида кузатувчилар сайлов комиссияларининг мажлисларида қатнашиш, номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш каби нараларнинг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қўлиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг

уларга берилишини кузатиш каби ҳуқуқларга эга.

Сайловда жамоатчилик назорати таъминланишининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, кузатувчиларда агар сайлов участкасида сайлов қонунчилиги талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида ушбу участка сайлов комиссияси аъзоларига уларнинг ишига аралашмаган ҳолда маълум қилиш, шунингдек, юқори турувчи сайлов комиссияларига хабар бериш ҳуқуқига эга.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида кузатувчилар ҳуқуқларининг алоҳида белгиланиши муҳим аҳамият касб этиб, сайловга тайёргарлик, уни ўтказиш жараёнини тўлақонли кузатиш ва зарур маълумотларга эга бўлишини ҳамда жамоатчилик назорати тўлақонли таъминланишини кафолатлайди.

Шу билан бирга, сайловларда жамоатчилик назоратини таъминлашга оид нормалар Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг бир неча моддаларида мустақамлаб кўйилган. Жумладан, Сайлов кодексининг 14-моддасида Марказий

сайлов комиссияси жамоат бирлашмалари вакиллари билан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳисоботларини тинглаши, 15-моддда эса уларнинг Марказий сайлов комиссияси йиғилишларида иштирок этишини таъминлаши белгиланган. Шунингдек, Сайлов кодексининг 23-моддасида участка сайлов комиссияси аъзоларига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақлиф этилиши назарда тутилган.

Умуман, мамлакатимиз учун муҳим сиёсий жараён ҳисобланган сайлов кампаниялари очiq ва ошқора ўтиши учун жамоатчилик назоратини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон қонунчилигида тўлиқ белгилаб қўйилган.

Нуралӣ ШОДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини ва Марказий сайлов

ВАКЦИНА ЁКИ ВИРУС

СИЗ ҚАЙСИ БИРИНИ ТАНЛАЙСИЗ?

Коронавирус илк бор 2019 йили Житонинг Ухан шаҳрида аниқланган эди. Коронавирус, яъни COVID-19 касаллигининг кўзгатувчиси SARS-CoV-2 вируси бўлиб, у жуда тез тарқалувчи контагиоз инфекциялар қаторига кирди. Ушбу вирус илк аниқланган кундан ҳозирга қадар дунёнинг барча давлатига тарқалиб улгурди. Ер юзи бўйича мазкур касалликдан миллион-миллион инсонлар азият чеки ва яна қанча-қанчасида ўлим ҳолатлари қайд этилди. Афсуски, бу жараён ҳозир ҳам давом этапти.

Вируснинг мутацияга учраши натижасида клиник белгилар ўзгариб, зарарлаш ва юқиш тезлиги ортди. Айнан шу сабабли ҳам даволаш протоколлари вирус штаммига қараб ўзгартириб келинди ва ҳозирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия этилган 8-протокол асосида беморлар даволанмоқда.

Маган кунлар ҳам бўлди. Лекин афсуски, бепарволик, бепиёсийлик ва албатта, карантин қоидаларига риоя этмаслик — касалликнинг авж олиб кетишига сабабчи бўлди. Билар-билмас, пала-партиш дори воситаларини ўй шароитида қўллаш ҳам касаллик асоратларининг кўпайишига олиб келди.

Дарҳақиқат, антибиотикларни шифокор бўлмаган одамлар тавсиясига кўра истеъмол қилиш, катта дозаларда гормонлар дори воситаларини ўй шароитида қабул этиш ва осма уколларни (капельница) мақсадсиз олиш беморларда касалликнинг "огир" даражада кечishiга сабаб бўлмоқда. Шу ўринда эслатиб ўтиш керак



Нодир ҲАЙДАРОВ, Тошкент давлат стоматология институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Коронавирус касаллиги Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Илк ҳолат 2020 йил 15 март кунини қайд этилган бўлса, ўтган бир ярим йил мобайнида 126 минг дан зиёд аҳоли касалланди ва ўлим қўрсаткичи кун сайин ошиб бормоқда.

Даволаш протоколидан жой олган дори воситалари гуруҳи, булар — антибиотиклар, гормонлар, вирусга қарши ва қон суялтирувчи дори воситаларидир. Ёрдამчи гуруҳ дорилари эса — замбуруғга қарши ва ошқозонни химояловчи дори воситалари, витаминлар ва бошқалардир. Айнан тўғри даволан натижасида биз ўлим кўрсаткичини 22,5 фоиздан 0,02 фоизгача камайтиришга муваффақ бўлдик. Албатта, бундай ютуқларга эришиш осон бўлмади.

Президентимиз кунини кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида пандемиядан имкон қадар йўқотишларсиз ўтишимиз ва кейинги тўлқинларга йўл қўймаслик учун халқимиздан 3 та муҳим шартга қатъий амал қилиш талаб этилишини таъкидлади:

Биринчидан, вирусдан ҳимояланиш ва уни енгишининг энг муҳим шартини — бу, албатта, вакцинация.

Қанчалик машаққатли бўлмасин, ушбу мақсадлар учун бугунги кунга қадар юртимизда 4 турдаги 13 миллион доза вакцина олиб келинган. Қайси турдаги вакцина билан элланни бўйича аҳолида танлаш имконияти бор.

Иккинчидан, шахсий гигиена ва ижтимоий масофани сақлаш талабларига риоя қилиш, жамоат жойларида тиббий ниқобда юриш — касалликдан энг самарали ҳимоя эканини унутмаслик лозим.

Учинчидан, касаллик енгиб кечаётган ва ўй шароитида даволанмаётган беморларнинг ўзбошимчалик билан, пала-партиш дори воситаларини истеъмол қилишининг олдини олиш зарур. Афсуски, беморлар ўй шароитида нотўғри даволанишлари натижасида оғир оқибатлар келиб чиқмоқда.

ки, антибиотиклар ва гормонлар тўғрисида тўғри вирусларга таъсир кўрсата олмайди. Шундай экан, нима сабабдан беморлар ўй шароитида билар-билмас ушбу дориларни қабул қилмоқдалар? Масалаяга чуқурроқ ёндашсак, мана шундай мақсадсиз даволар туфайли ўзимиз вируснинг мутацияга учрашишига сабабчи бўлиб қолмоқдамиз.

Уринли савол туғилади: вирус ўзгарувчан экан, уни қандай енгиш мумкин? Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, вирусдан ҳимояланиш ва уни енгишининг энг муҳим шартини — бу, албатта, вакцинация. Дунё олимлари ҳам вирусни енгишининг ягона ва тўғри йўли шу эканини таъкидлашапти.

Вакцинация — касаллик кўзгатувчисини кучсизлантирилган ҳолатида ёки касаллик кўзгатувчиси-

нинг оқсиллари ажратиб олинган ҳолатда инсон организмга киритишдир. Асосий мақсад эса инсон имун таначаларига касаллик кўзгатувчисини танитиб қўйиш. Вакцинация жараёнидан ўтган инсонларда имун таначалар ишлаб чиқарилган бўлиб, вирус инсон организмни билан тўқнашадиган бўлса, уни имун таначалар организмга киргизмасдан йўқ қилади. Агар вирус организмга кириб булган тақдирда ҳам касалликнинг енгиш шаклида ўтишига сабабчи бўлади.

Одамлар орасида шов-шувга сабаб бўлаётган фикрлар, гўёки "вакцинация қилинган инсонлар 2 йилдан сўнг қирилиб кетади" ёки "вакцина орқали инсонга чип ўрна-тиб қўйиш мумкин" деган фикрлар мутлақо асоссиз. Бу фикрларнинг ҳеч бири ўзининг илмий асосини топмади.

Тарихга назар солсак, вакцинация туфайли инсоният қора ўлат, вабо, сил, бўғма, полиомиелит, менингококк инфекцияси, қизамиқ, қўқош касалликларидан тўлиқ қутулишга муваффақ бўлди. Шундай экан, шифокор сифатида айтишим мумкинки, касалликни енгишининг ягона ва тўғри йўли, бу — вакцинация.

Мен вакцина олдим, сиз-чи? Вақтни қўлдан бой бермай, вакцинация жараёнида фалол бўлишимиз ҳар томонлама фойдали эканини унутманг.

Нодир ҲАЙДАРОВ, Тошкент давлат стоматология институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.



Айтиш жоизки, жамоавий иммунитетни шакллантириш учун аҳолининг 60 — 80 фоизи элланни талаб этилади. Қолаверса, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро экспертлар томонидан коронавирუსга қарши курашиш ва унинг янги тўлқинларининг олдини олиш учун оммавий вакцинация муваффақиятли ташкил этилиши мумкинлиги юзасидан тавсиялар берилган.

Сенатнинг ўн еттинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонун муҳокама қилиниб, маъқуллашган эди. Қуни кеча ушбу Қонун давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди.

осойишталиги тўғрисида"ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитарияи вакили санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар доирасида профилактик эмлашлар ўтказишни жорий этиши мумкинлиги назарда тутилган.

ёки унинг қонуний вакили тиббий аралашувни рад этиш ёки унинг тўхтатилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. Атрофдагилар учун хавфли касалликка чалинган шахсларга мазкур розиликсиз тиббий ёрдამ кўрсатилиши бундан мустасно.

Бирок ушбу Қонунда юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда аҳолини профилактик эмлашдан ўтказиш жорий этилиши мумкинлиги юзасидан норма мавжуд эмас эди. Шунингдек, амалдаги қонунчиликда юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда профилактик эмлашдан бош тортган шахсларга нис-

нинг оқсиллари ажратиб олинган ҳолатда инсон организмга киритишдир. Асосий мақсад эса инсон имун таначаларига касаллик кўзгатувчисини танитиб қўйиш. Вакцинация жараёнидан ўтган инсонларда имун таначалар ишлаб чиқарилган бўлиб, вирус инсон организмни билан тўқнашадиган бўлса, уни имун таначалар организмга киргизмасдан йўқ қилади. Агар вирус организмга кириб булган тақдирда ҳам касалликнинг енгиш шаклида ўтишига сабабчи бўлади.

Одамлар орасида шов-шувга сабаб бўлаётган фикрлар, гўёки "вакцинация қилинган инсонлар 2 йилдан сўнг қирилиб кетади" ёки "вакцина орқали инсонга чип ўрна-тиб қўйиш мумкин" деган фикрлар мутлақо асоссиз. Бу фикрларнинг ҳеч бири ўзининг илмий асосини топмади.

Тарихга назар солсак, вакцинация туфайли инсоният қора ўлат, вабо, сил, бўғма, полиомиелит, менингококк инфекцияси, қизамиқ, қўқош касалликларидан тўлиқ қутулишга муваффақ бўлди. Шундай экан, шифокор сифатида айтишим мумкинки, касалликни енгишининг ягона ва тўғри йўли, бу — вакцинация.

Мен вакцина олдим, сиз-чи? Вақтни қўлдан бой бермай, вакцинация жараёнида фалол бўлишимиз ҳар томонлама фойдали эканини унутманг.

Нодир ҲАЙДАРОВ, Тошкент давлат стоматология институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Турнир

Наманган вилоятида мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги олдидан Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ўчмас из қолдирган марҳум фахрийлар хотирасига бағишланган турнир ўтказилди.

Инсон — азиз, хотира — абадий

Вилоят ҳокимлиги, "Нуроний" жағнамаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу турнирда спортнинг шахмат, стол тенниси, мини-футбол, белбоғли кураш турлари бўйича мусобақалар ташкил этилиб, уларда юздан ортиқ олтимиз ёшдан ошган нуронийлар қатнашди.

Мусобақалар якунига кўра, стол тенниси бўйича Наманган шаҳри нуронийлари 1-ўринни, Ўйчи тумани 2-ўринни ва Учкўрғон тумани 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, спортнинг шахмат, мини-футбол ҳамда белбоғли кураш беллашувлари ҳам қизгин чекиб, ғолиблар аниқланди.

Хотира турнирининг якунловчи қисмига бағишланган тантанали тадбирда вилоят ҳокими сўзга чиқиб, юртимиз тарққети йўлида фидойилик кўрсатиб, ибратли умр кечирган марҳум устозларнинг хизматларини алоҳида қайд этди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ота-боболари изидан бориш муҳим эканлигини таъкидлади.

Хотираси ёдга олинган марҳум фахрийларнинг оила аъзоларига турнир ташкилотчилари томонидан эсдалик совғалар топширилди.

Дилмурод ҚИРГИЗБЕКОВ, журналист.

ОММАВИЙ ЭМЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

Сенатнинг ўн еттинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонун муҳокама қилиниб, маъқуллашган эди. Қуни кеча ушбу Қонун давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди.

осойишталиги тўғрисида"ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитарияи вакили санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар доирасида профилактик эмлашлар ўтказишни жорий этиши мумкинлиги назарда тутилган.

ёки унинг қонуний вакили тиббий аралашувни рад этиш ёки унинг тўхтатилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. Атрофдагилар учун хавфли касалликка чалинган шахсларга мазкур розиликсиз тиббий ёрдამ кўрсатилиши бундан мустасно.

Бирок ушбу Қонунда юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда аҳолини профилактик эмлашдан ўтказиш жорий этилиши мумкинлиги юзасидан норма мавжуд эмас эди. Шунингдек, амалдаги қонунчиликда юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда профилактик эмлашдан бош тортган шахсларга нис-

батан чеклов чоралари назарда тутилмаганди.

Янги Қонунда қуйидагилар назарда тутилган:

- "Фуқаролар соғлиқини сақлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитарияи вакилининг қарори асосида аҳолини профилактик эмлашдан ўтказиш жорий этилиши мумкинлиги тўғрисида аниқ норма киритилган;
- Меҳнат кодексининг 113-моддасига киритилган янгиликка кўра хо-

дим юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда жоғир этиладиган профилактик эмлашдан ўтказиш рад қилган тақдирда (соғлиқининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда) иш беришчи уни ишга қўймасликка ҳақли эканлиги белгилаб қўйилмоқда.

Умуман, бу Қонун билан коронавирუს инфекцияси янги тўлқинларининг олдини олиш учун аҳоли ўртасида оммавий вакцинацияни ташкил этишининг қонуний асослари янада мустаҳкамланди ҳамда юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда профилактик эмлаш ўтказишни жорий қилиш юзасидан амалдаги қонунчиликдаги мавжуд зиддиятлар бартараф этилди.

Манзура САЛИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ТАРАҚҚИЁТНИ БЕЛГИЛОВЧИ НЕЪМАТ

Марказий Осиё халқларининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминловчи энг муҳим неъматлардан бири — бу, шубҳасиз, сув ресурсларидир. Аҳдоқдоримиз қадимдан обиҳаётнинг бир томчисини ҳам исроф қилмасдан, унумли фойдаланиб, сув бўйларига ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирган. Дарё ҳамда сойларнинг ўзларини бошқариб, ариқлар қазиб, сув чиқарган, турил экинларни етиштириб, манзилларни обод этган. Шу боис заминимизда деҳқончилик, экинларни суғориш илми, ер ости ва ер усти ирригация иншоотларини барпо этиш тажрибаси минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топиб келган.



Нуктаи назар

Инсоният тараққиётнинг энг юқори чўққуларига кўтарилган ҳозирги даврда сувнинг қадри ва ҳўйма-ти тобора ортиб бормоқда. Буни мутахассислар иқлим ўзгариши, асрий музликларнинг қичрайиши, санюатнинг ўсиши, аҳоли сони кўпайиши натижасида озик-овқатга бўлган талабнинг ортиши каби омиллар билан изоҳлайди.

Келинг, шу ўринда биргина иқлим ўзгариши таъсирини рақамлар таҳлилида кўриб чиқсак. Ҳисоб-китобларга кўра, сўнгги 40 йилда Тожикистондаги мавжуд музликларнинг 30 фоизи, Қирғизистонда эса 15 — 20 фоизи эриб кетган. Ачинарлиси, асрий музликларнинг қисқариш жараёни тўхтагани йўқ. Шу билан бирга, охириги 20 — 30 йилда минтақада ёйингарчилик миқдори ҳам сезиларли даражада камайди. Буларнинг барчаси сув ресурслари ҳажмига ўз таъсири кўрсатаяпти, албатта.

дарёлардан фойдаланиш миқдорлари белгилаб олинган.

Мамлакатимизга кириб келаётган, кишлоқ хўжалиги ва иктисодиётнинг бошқа тармоқларида ишлатилаётган барча сув ресурсларининг аниқ ҳисоб-китоби юритилади. Сув ресурслари олинмаган лимитларга нисбатан амалда ҳам эканлигини рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Мисол учун, охириги беш йил давомида Ўзбекистоннинг фойдаланилган ўртача йиллик сув миқдори 51 — 53 миллиард метр кубни ташкил қилган. 2020 йилда Ўзбекистон иктисодиётининг барча тармоғида 49 миллиард метр куб сув ишлатилган. Соғда қилиб айтганда, аслида сув ресурслари кам бўлганлиги учун бугун Ўзбекистон фойдаланмаётган сув миқдори, ҳатто, ўтган асрнинг 80-йилларида ҳисобланган республика бўйича сувга эҳтиёжнинг 75 — 80 фоизига ҳам етмайди. Ҳолбуки, бу даврда аҳоли сони қарийб икки баравар ўсиб, санюат ривожланди, одамларнинг турмуш тарзи ўзгарди, фаровонлиги, эҳтиёжлари ортди. Худди шундай ҳолат кўшни давлатларда ҳам кузатилингани инобатга оласак, хозирги шароитда Марказий Осиёнинг умумий сув захиралиридан оқилана фойдаланиши минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашда нақадар долзарб аҳамият касб этишини тасаввур қилиш қийин эмас.

оқилана сиёсати, саяё-ҳаракатлари натижасида охириги беш йилда кўшни давлатлар билан йўлга қўйилган ўзаро дўстона ва ишончли алоқалар Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишга мустақам замин яратди. Кўшни давлатларга амалга оширилган ташрирлар чоғида трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда оқилана фойдаланиш масаласи энг юқори даражада муҳокама қилинди. Кўп йиллардан бўён ечимли келаётган масалалар хал қилиниб, ўз ечимини толяпти.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан сув масалалари бўйича алоқаларни кўп қиррали даражада — Орולי кўтқариш халқаро жамғармаси ва Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси доирасида, икки томонлама эса — сувдан фойдаланиш бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар доирасида изчил ривожлантирмоқда. Кейинги йилларда Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик ҳамда эришилаётган келишувлар самарасида Сирдарё ва Амударё ҳавзасида сув таъминоти даражасини яхшилаш бўйича натижаларга эришилапти.

Яқинда пойтахтимиз яна бир нуфузли халқаро анжуман — "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференцияга мезбонлик қилди. Президентимиз ушбу конференцияда сўзлаган нутқида Марказий ва Жанубий Осиёнинг барча мамлакатларида жадал санюат ва демографик ўсиш жараёни глобал иқлим ўзгариши-

ри шароитида юз бераётганини, бундай вазиятда сув ресурслари тақчиллиги, атроф-муҳит ва атмосфераннинг ифлосланиши, тупроқ қатламнинг емирилиши ва чўлраниш барчамизга дахлдор муаммолар эканлигини таъкидлаб ўтди.

Айни шу жараёнда Ўзбекистон сув тақчиллигини камайитириш учун сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва сувни бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида Марказий Осиё давлатлари орасида ташаббускор бўлмоқда.

Жорий йилнинг январь — июнь ойларида 750 та сув хўжалиги объектига "ақли сув" қурилмаси, 95 та насос станциясига сув ва электр энергияси истеъмолини онлайн назорат қилиш қурилмаси, 322 та мелиоратив кузатув кудуги-га ернинг шўрланиши, минераллашган даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилди ҳамда 7 та сув хўжалиги объекти автоматлаштирилди.

ги қарорига мувофиқ, бу йил жами 230 минг гектар майдонда сувни тежайдиган суғориш технологияларини қўллаш, 200 минг гектар майдонда лазерли текислаш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Йил бошидан бўён 172 минг 555 гектарда, жумладан, 142 минг 500 гектар пахта хом ашёси етиштирилмаган майдонда — томчилятиб суғориш, 8 минг 782 гектар галла ва бошқа экин далаларида — ёмғирлятиб суғориш, 4 минг 100 гектар пахта ва бошқа экин майдонларида — дискрет усулда суғориш технологиялари ишга туширилди, 50 минг 200 гектарда — кўнча эгилувчан кувурлар ёрдамида, 4 минг 710 гектар майдонда — эгатта плёнка тўшаб суғориш йўлга қўйилди.

Аслида, сув тежовчи технологиялар жорий этилаётган худудларни кенгайтириш Президентимиз ташаб-



қаритилган хайрли ва савобли амаллардан ҳисобланади. Айни пайтда тежамкорлик иқтисодий самара ҳам берапти. Эгат усулида гўза майдонларини бир марта суғоришга 1100 — 1500 метр куб сув сарфланаётган бўлса, томчилятиб суғориш технологияси жорий этилган майдонларни суғориш учун гектарига 250 — 300 метр куб сув kifоя қилмоқда.

Жорий йилда республика бўйича жами 126 та лазер ускунали ер текислаш техникалари харид қилинди ва уларнинг сони 533 тага етди. Ушбу техникалар ёрдамида 2021 йил ҳосили учун жами 113 минг 497 гектар, жумладан, шולי экиладиган 6 минг 584 гектар майдон лазер ускунали ер текислагичлар билан текисланди. Ушбу тадбирлар жойларда давом эттирилмоқда. Лазер ускунали ер текислагичлар билан ишлов берилган майдонларда сув 20 — 30 фоиз атрофда тежалмоқда.

яртилиб, маҳаллийлаштириш даражаси 70 фоизга етказилади. Натижада маҳсулотни бошқа давлатдан ташиш харажатларини тежайи ҳисобига таннархи 15 — 20 фоизгача пасайтириш ёки гектарига 5 миллион сўмга арзонлаштириш имкони туғилади.

Вазирлик экинлар жойлашуви, тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, худудлар кесимида суғориш учун сувни адолатли ва шаффоф тарзда таъминлаш, энг охириги "қуллоқлар"га ҳам етказиб бориш учун қатъий чораларни кўрмоқда. Хуусан, биринчи ярим йилликда республика бўйича суғориш ишларига жами 17 миллиард 837 миллион метр куб сув етказиб берилди. Сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация тадбирларини амалга ошириш, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан 5 миллиард метр куб сув тежалышига эришилади.

Сир эмас, сувни тежайдиган суғориш технологияларини ускуналарини ва бутловчи қисмларини, асосан, чет давлатлардан келтириляётган эди. Шу боис импортни қисқартириш, ички талабни қондириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини ошириш ҳам эътибор марказида турибди. 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра, сувни тежайдиган суғориш технологияларини ускуналарини ва бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар сони 38 тага етди. Йил якунига қадар яна ўнтадан кўпроқ янги корхоналарни ишга тушириш режалаштирилган. Бошқача айтганда, 2021 йилда сув тежовчи технологиялар жорий қилинадиган 230 минг гектар майдоннинг 50 фоизини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулот билан таъминлаш имконияти

Мухтасар айтганда, вазирлик ва унинг тизимида меҳнат қилаётган кўп минг сонли суғоришчи жамоаси сувдан оқилана фойдаланиш, сув ресурсларини самарали бошқариш ва минтақада сув танқислигини камайитиришдек эзгу мақсад йўлида бир ёкдан бош чиқариб, аҳолилик ва фидойилик билан зиммаларидаги шароитли ва савобли вазифани адо этмоқда.

Яқин истиқболда Ўзбекистоннинг сувдан самарали фойдаланиш бўйича ташаббуслари минтақада кенг қулоч ёйиб, ўзининг меваларини бера бошлаши, шубҳасиз.

Шавкат ХАМРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазيري,
кишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Ўзбекистон сув тақчиллигини камайитириш учун сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва сувни бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида Марказий Осиё давлатлари орасида ташаббускор бўлмоқда.

Бунинг натижасида сув хўжалиги иншоотларида реал вақт режимида сувни назорат қилиш, унинг ҳисобини юритиш, вилоят ва туман чегарасида етказиб бериляётган сув ресурсларини онлайн кузатиб бориш ҳамда сувнинг ҳисоб-китобини аниқ юритишга эришилди. Сувни бошқариш жараёнида инсон омилини камайитириш, сувни техник йўқотишга қарши, аниқроқ, йўқотишларнинг олдини олиш, сувдан белгиланган лимит асосида шаффоф ва адолатли фойдаланиш йўлга қўйилди.

Тежамкорликда гап кўп

Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги "Кишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"

буси билан олдинги йилларда бошланган ишларнинг манتيкий давомидир. Ўтган йили 133 минг гектар ерда ана шундай технологиялар қўлланилиб, қанчалик фойдали ва самарадорлигини мутахассислар ҳам, фермерлар ҳам ўз тажрибалари мисолида эътироф этишган. Айнан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми яратилгани, субсидия ва имтиёзлар берилгани, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари-ю, фермерларни сув тежовчи технологияларни фаол жорий этишга рағбатлантирмоқда.

Мукаддас динимизи — исломда исроф қаттиқ қораланган. Қуръони каримда "Енглар, ичинлар, аммо исроф қилманглар. Зеро, У исроф қилгувчиларни севмас" дейилган. Шу маънода, Ўзбекистонда сувни тежовчи технологиялар жорий этиляётгани энг улуг неъмат — сув исроф бўлишининг олдини олишга

Ер — умуммиллий бойлигимиз. У давлат муҳофазасида ва ундан оқилана фойдаланиш эса ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади. Бу Конституциямизда ҳам алоҳида модда билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Бугунги кунда республикаимиз бўйича жами ерлар 44 миллион 892,4 минг гектарни ташкил этади. Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони эса 20 миллион 236,3 минг гектардан иборат.

Муносабат

Мамлакатимиз иктисодиётини ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда ернинг аҳамияти бекиёс эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳарақатлар стратегияси доирасида ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибни жорий этиш, ерга оид мулклик ҳамда ҳуқуқий муносабатларда барқарорлиқни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулклик ҳуқуқларини кафолятлаш, шунингдек, ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритишга қаратилган қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йил 8 июнда кишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда озик-овқат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида аҳоли бандлигини таъминлашда яна бир катта заҳира ер эканлиги, уни ҳақиқий эгаси — халққа бериш, берганда ҳам, манфаатдор қилиб, адолатли ажратиш кераклиги, бу юз

минглаб одамларимизни иш билан, даромад билан таъминлашни алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, ер участкаларини ажратиш масаласи энг чинақ муаммо, коррупциялашган жараёнга айланб қолгани ҳам қайд этилди.

Қоридагиларни инобатга олиб, ерларни ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибни жорий этиш, ерга оид мулклик ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорлиқни таъминлаш ҳамда ер эгаларининг мулклик ҳуқуқларини кафолятлаш мақсадида "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айланитиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон билан ерни бозор активига айланитиш, унинг иктисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотга киритиш бўйича ишларни жадаллаштириш, ер ажратиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, ушбу Фармон соҳада тенглик, шаффофлик ва бозор муносабатларини таъминлаб, мулкка доир ҳуқуқлар ишончли

ЕР АЖРАТИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

кафолятланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлантириб.

Фармонга мувофиқ, 2021 йил 1 августдан бошлаб ер участкаларини ҳуқуқий секторга — мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат органлари, муассасалар, корхоналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ҳамда кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўлса турдаги кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган, натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланадиган очик электрон танлов якунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилиш тартиби жорий қилинмоқда.

Шу билан бирга, 2021 йил 1 августдан туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартариш, бекор қилиш, суғориладиган ерларни суғоришмайдиغان ерлар тоифасига ёки бошқа ер тоифасига, суғоришмайдиغان кишлоқ хўжалиги ерларини бошқа ер тоифасига ўтказиш, жамоа боғдорчилиги, узумчилиги, полизчилиги ва ёрдамида кишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш борасидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари тугатилаяпти.

Худди шу санадан бошлаб, давлат ҳокимияти органлари ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш ёки бошқача тарзда имтиёз ва истиснолар белгилаш ташаббуси билан чиқиши ҳам тақиқланади.

Ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини мўлжаллашда вужудга келаётган муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, шу жумладан, қонунчилик ҳужжатларини тақомиллаштириш, ер-

дан оқилана фойдаланиш бўйича илгор хорижий тажрибаларни ўрганиб, миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда уларни жорий қилиш, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши аҳолини мунтазам ўрганиб бориш, соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш борасидаги тақдирларни мувофиқлаштириб борувчи Республика кенгаши ва жойларда худудий кенгаши ташкил қилинади.

Мазкур Республика кенгаши таркибига Олий суд раиси ҳамда худудий кенгашилар таркибига эса вилоят судлари раислари ҳам аъзо сифатида киритилди.

Фармоннинг 10-бандига мувофиқ, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги зиммасига ер тоифасидан қатъи назар, барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчилик билан эгаллаб олинишига ва чегараларини ўзбошимчилик билан ўзгартаришга йўл қўймастик чораларни кўриш, ердан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш юклатилиб, агентлиги ходимлари ер участкаларидан мақсад-

сиз фойдаланиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва чора кўриш учун масъул эканлиги белгиланган.

Ушбу агентлик органларига ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ, ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчилик билан эгалланган ер майдонидан ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддаси 37-бандига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳамда 9-моддаси биринчи қисми 22-бандига кўра, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича иқтисодий судларда давлат божи тўлашдан озод қилинган. Шунга кўра, келгусида агентлик томонидан ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ даъволар судларга тақдим этилган тақдирда, даъво аризалари давлат божисиз қабул қилиниб, даъво қўзғатилган ишлар судлар томонидан ўз вақтида, қонуний ҳамда холис кўриб чиқилиши таъминланади.

Умуман олганда, Фармонда белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ердан оқилана фойдаланиш орқали иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда аҳолининг фаровонлигини ошириш борасида бошланган ислохотларни янги босқичга олиб чиқади. Ер билан боғлиқ муносабатлардаги коррупцион ҳолатларнинг олди олинадиган. Натижада ердан фойдаланиш борасида барча учун шаффоф бўлган тизим йўлга қўйилди.

Равшан РАШИДОВ,
Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатининг судьяси,
Сервар СОЛИЕВ,
Тошкент туманлараро иқтисодий суднинг раиси.

Фахр



ҚОРАҚАЛПОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ХОРИЖЛИКЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙФОТДИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик музыка театри Туркиянинг Трабзон шаҳрида бўлиб ўтган XXI халқаро "Қораденгиз" театрал фестивалида, "Айқулаш" қорақалпоқ миллий фольклор ансамбли жамоаси эса Россия Федерацияси Бошқирдистон Республикасида бўлиб ўтган VI жаҳон фольклори фестивалида иштирок этиб қайтишди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик музыка театри фестивалда таниқли ёзувчи Чингиз Айтматовнинг машхур асари асосида сахналаштирилган "Жамила" спектакли билан қатнашди.

Трабзон театрида икки кун давомида намойиш этилган спектаклни томошабинлар хаяжон билан қуби олдди. Фестивалда фаол иштироки учун Қорақалпоқ давлат академик

музыка театри Туркия давлат театри раҳбарияти томонидан махсус диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Бундан ташқари, Бошқирдистонда ўтказилган фестивалда "Айқулаш" қорақалпоқ миллий фольклор ансамбли жамоасининг ҳар бир чиқиши томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан қуби олинди.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 136 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўляб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўёзмазар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртова томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ажхатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6